

Диминутивлар Хусусида Айрим Мулоҳазалар

Насимова С. Я.¹

Аннотация: Диминутивлик ёки кичрайтириш – “кичик ҳажм, ўлчов ва ҳоказоларнинг умумлаштирилган маъноси” деб таърифланади. Одатда кичрайтирувчи қўшимчалар ёрдамида ифодаланади ва турли хил ҳиссий бўёқдорлик билан бирга келади ҳамда эркалаш ва кичрайтириш категориясини ифодалайди. Мазкур мақолада айнан диминутивларнинг ўзига хос муаммолари хусусида айрим мулоҳазалар ёритилган.

Ключевые слова: кичрайтириш, эркалаш, ҳиссий бўёқдорлик, диминутивлар, морфологик кўрсаткичлар.

Маълумки, жаҳон тилшунослигида отларнинг эмоционал шаклини ҳосил қилувчи категорияси нисбатан камроқ ўрганилган. Бироқ бу масалага доир ишлар бир талай олимларнинг тадқиқот ишлари мавзуси бўлиб хизмат қилди. Ўз ишларида диминутивларнинг у ёки бу жиҳатлари ни ўрганишган олимлар сирасига К.С.Аксаков, А.А.Потебня, А.А.Шахматов, В.В.Виноградов ва бошқаларни киритишимиз мумкин [1,2,3].

Ўтган аср 70-йилларнинг ўрталарига қадар тилшуносликдаги эмоционаллик муаммосига фақат бир нечта асарлар бағишланган холос. Илм-фаннинг антропоцентрик бурилиши тилшунослар тилни инсон билан яқин алоқада ўрганишга чақирган ва тилнинг ҳиссиётлар билан кенг тарқалганлигини қайд этган В.фон Гумболдт таълимотига яна бир бор мурожаат қилишларига ёрдам берди.

Тилдаги эмоционалликнинг замонавий тадқиқотчилари XX асрнинг 60-йилларида Ш.Балли эмоционаллик ва ҳиссиётнинг етакчи ролини ўз ғояларида ифода этганлигини эътироф этиб, унинг назарий фикрларини тўлдириб, Балли ғояларини давомчиси бўладидар. Кейинги ўн йилликларда бу ғоялар тобора кенг тарқалди, масалан, 1987 йилда халқаро тилшунослар Конгрессида тил ва ҳиссиётлар ўртасидаги муносабатлар масаласи тилшуносликнинг устувор йўналишларидан бири эканлиги таъкидланди, шундан сўнг бу масала бўйича тадқиқотлар сони сезиларли даражада ошди. Маҳаллий ва хорижий тилшуносликда олимлар диминутивлар билан боғлиқ турли масалаларни, уларнинг грамматик ҳолати ва тузилишидан бошлаб, уларнинг семантикаси ва нутқда қўлланилиши муаммосига қадар муҳокама қилдилар.

Диминутивлик ёки кичрайтириш – “кичик ҳажм, ўлчов ва ҳоказоларнинг умумлаштирилган маъноси” деб таърифланади [3]. Одатда кичрайтирувчи қўшимчалар ёрдамида ифодаланади ва турли хил ҳиссий бўёқдорлик билан бирга келади ҳамда эркалаш ва кичрайтириш категориясини ифодалайди.

Кичрайтириш категорияси дунёнинг қўплаб тилларида мавжуд бўлиб, бу у томонидан ифодаланган маънонинг универсаллиги – объект ҳажмини баҳолаш, субъектив муносабатларнинг ифодаси билан изоҳланади.

В.В.Виноградовнинг ишида олимларнинг мулоҳазаларини ўзига хос тизимлаштириш тақдим этилган бўлиб, у кичрайтириш категорияси субъектив ва баҳоловчи характерга эга эканлигини маъқуллаб, тизимининг шакллантирувчи ва сўз ҳосил қилувчи элементлари ўртасида оралик позицияни эгаллайдиган шакллар ҳақида мулоҳаза билдиради [4].

¹ СамДТУ ўқитувчиси



В.В.Виноградовнинг ишидан сўнг, кичрайтирувчи қўшимчаларнинг таркиби, семантикаси ва валентлик хусусиятлари ҳақида энг тўлиқ тақдим этилган навбатдаги умумлаштирувчи ишлар рус олимлари томонидан уст устига нашр қилинди [5,6,7,8,9].

Субъектив баҳоловчи маъноларга эга отлар ҳақида ўзбек тилшунослигида ҳам талайгина ишлар кўзга ташланади. Олимларимиз диминутив ларга кичрайтирувчи, меҳрли, кичрайтирувчи-меҳрли, кичрайтирувчи-камситувчи, катталаштирувчи маъноларга эга бўлган отларни киргизишади. Жумладан Ғ. Абдурахмонов, Ш.Шоабдурахмонов, М.Асқарова каби олимларнинг ишларида отларнинг луғавий шаклини ҳосил қилувчи воситалар хусусида қимматли маълумотларни учратамиз [12].

Нутқда кичрайтирув маъносига эга бўлган сўзларнинг кўплиги олимлар томонидан унинг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида тавсифланади [13]. Шу билан бирга, ушбу элементларнинг амалга оширилиши бир қатор функционал ва семантик хусусиятлар билан бирга келади.

З.И.Резанованинг сўзларига кўра, кичрайтирувчи қўшимчалар мазмуний жиҳатдан иккита ядрога эга – семантик ва прагматик, семантик компонент кичрайтириш билан, прагматик компонент меҳр билан (ёки бошқа маъно компонентлари билан) боғлиқ. Бундан ташқари, турли хил вазиятларда ушбу компонентларнинг ҳар бири ўзини катта ёки кичик даражада намоён қилиши мумкин. Шунингдек, рационал баҳолашнинг (кичрайтиришнинг) компоненти диахроник жиҳатдан бирламчи бўлишига қарамай, функционал семантик синкретизм кичрайтирувчилар орасида ҳиссий баҳолашнинг устунлиги ва кучлилиги билан нутқда намоён бўлади. Шу билан бирга, баҳолашни ифодалашга йўналтириш кичрайтирувчи элементнинг семантик ва функционал ноаниқлигини белгилайди [14].

Бизнингча, диминутивлар функционал равишда коммуникатив ҳаракатнинг учта асосий таркибий қисмига – маърузачи, тингловчи ва нутқ мавзусига йўналтирилиши мумкин. Баъзи ҳолларда диминутивлардан фойдаланиш номинатив функция – объектлар ёки ҳодисаларнинг параметрларини акс эттириш ёки прагматик функция – маърузачининг нутқ/алоқа ҳолатига бўлган ҳиссий реакцияларига қаратилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Диминутивларнинг контекстли/конситуатив боғлиқлиги уларни прагматик жиҳатдан нутқий вазиятдан ташқарида таҳлил қилишни имконсиз қилади.

Шунга кўра, кўпроқ даражада, диминутивларнинг бу икки мазмуний жиҳатининг қайси бири (рационал ёки ҳиссий) маълум бир вазиятда ўзини намоён қилиши контекстига боғлиқ. Шу билан бирга, ҳиссий компонентни намоён қилиш учун контекстнинг кичик ҳиссий бўёқдорликка эга бўлиши ҳам етарли бўлади.

Диминутивларнинг тингловчига функционал йўналтирилганлигига мурожаат қилиб, олимлар уларнинг кўпкўписини “болалар нутқи” (болалар билан суҳбатлар, болалар ҳақида) деб аташади. Е.Ю. Протасова “ўз-ўзга” тоифасини ўзлаштириш контекстида диминутивларни таҳлил қилади. Муаллифнинг ёзишича, диминутивларнинг бошланғич ва энг муҳим маъноси аниқлик, яқин атрофдаги мавзулар доирасига киришдан далолат беради. Диминутивларни шакллантирувчи морфологик воситалар ёрдамида, яъни предметни ифодали номлаш орқали сўзловчи шу билан унга бўлган ҳуқуқини ифодалайди. Бола, она ёки бошқа катталар билан мулоқот қилишда диминутивлардан фойдаланиш қайси нарсалар очик, хавфдан ҳоли, ҳаммага маълум эканлигини кўрсатади [15].

Дарҳақиқат, бундай қўшимчаларнинг кўплиги шифокорнинг беморлар билан мулоқотида қайд этилиши мумкин (“энди қўлчамизни берамиз”) ёки, масалан, хизмат кўрсатиш соҳасида: “Мошиначага қаранг”, “Чиройли фасонча экан” ва бошқалар. Бундан ташқари, “норасмийлик”, “яқинлик”, “бепарволик”, “сўзловчи ва тингловчи мақомидаги фарқлар” каби нутқ вазиятларининг белгилари диминутивлардан фойдаланиш билан боғлиқ.

Бизнингча, бундай кичрайтирувчи шакллар билан боғлиқ бўлган прагматик модификацияларнинг кенг доираси кичрайтириш тоифасининг махсус морфо-прагматик компонентини аниқлашга имкон беради.



Бироқ шуни ҳам таъкидлаш жоизки, рус тилшунослигида ўзбек тилшунослигидан фаркли ўлароқ диминутивларни ясама сўзлар тоифасига киритишган. Рус олимлари эркалаш ва кичрайтириш қўшимчасини олган отларни сўз ясалиши ходисаси доирасида ўрганишади [14]. Бизнингча, бу бирмунча изоҳталаб саналади. Чунки сўз ясалишида сўз ясалиш асоси ва сўз яшаш воситаси орқали ясалган сўз лексик жиҳатдан умуман бошқа лексик маънони ифодалаш керак. Бироқ юқорида келтирилган назарий фикрлар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, эркалаш ва кичрайтириш қўшимчаларини олган сўзлар шакли жиҳатидан ўзгаради, холос. Диминутивлар шаклланганда маълум бир от ёки отлашган сўзларга қўшимча эмоционал – эксперссив маъно юкланади. Бу эса, табиийки, янги сўз ясалишини келтириб чиқармайди.

Р.Икромова диминутивлар томонидан ифодаланган куйидаги муносабат бўёқдорлигини санаб ўтади: “кичрайтириш, эркалаш, меҳр-мухаббат, ҳурмат, ва аксинча, масхара, киноя, кесатик, пичингб объектларни (ёки шахсларни) умумий қатордан ажратиш ва яккалашнинг маъносини, шубҳа, тахмин, яқинлашиш маъносини, ниҳоят, урғу бўёқдорлиги, кучайтириш маъносини”.

Қайд этиш лозимки, диминутивларнинг эмоционаллик бўёқдорликка эга бўлиши хусусиятлари уларни психоллингвистика ва когнитив тилшунослик доирасида ўрганишни белгилайди.

Ушбу йўналишлар доирасида тил орқали ифодаланган эмоционалликни идрок этиш ва тушунишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади. Шу билан бирга, психоллингвистик ва когнитив ёндашувларга мувофиқ кўриб чиқиладиган масалалар доираси ҳам анча кенг. Бу эса когнитив тилшунослик масалаларига бағишланган асарларда эмоционал сўзлар бир неча гуруҳларга бўлиниб тадқиқ этилади, ҳиссий маъноларнинг турлари ва уларнинг шаклланиш хусусиятлари кўриб чиқилади, ҳиссий ақлий лексика муаммоси, шу жумладан ҳиссий бирликларни когнитив қайта ишлаш хусусиятлари ва бошқалар муҳокама қилинади.

Олимлар диминутивларни лингвистик тадқиқотлар учун энг долзарб бўлган омил сифатида талқин қилишди. Улар бу ходисани “инсон ҳис-туйғулари мазмуни, сифати ва динамикасини тавсифловчи воситалардан бири” деб тушуниш кераклигини таъкидладилар [13].

Адабиётлар рўйхати:

1. Аксаков К.С. Опыт русской грамматики (полное собрание соч. К.С. Аксакова). Сочинения филологические. Москва, 1880. – 709 с.
2. Потебня А.А. Из заметок по русской грамматике, вып.3. /– Харьков, 1899. – 552 с.
3. Лудольф Г.В. Русская грамматика. Оксфорд, 1696 / под ред. Б.А. Ларина. – Ленинград, 1937. – 93 с.
4. Виноградов В.В. Русский язык (грамматическое учение о слове): учебное пособие для Вузов / отв. ред. Г.А. Золотова. – 3-е изд., испр. – Москва : Высшая школа, 1986. – 640 с.
5. Зализняк А. А. Грамматический словарь русского языка. Словоизменение. 3-е изд. стер. М.: Русский язык, 1987. 880 с.
6. Тихонов А. Н. Словообразовательный словарь русского языка: В 2 т. 2-е изд. стер. М.: Русский язык, 1990.
7. Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. М., 1996. 411 с.;
8. Е.А.Земская Русская разговорная речь: лингвистический анализ и проблемы обучения. М., 1979. 240 с.;
9. Земская Е.А., Китайгородская М.В., Ширяев Е.. Русская разговорная речь. Общие вопросы. Словообразование. Синтаксис. М., 1981. 276 с.
10. Резанова З. И. Функциональный аспект словообразования. Русское производное имя. Монография.Томск: Изд-во Том. ун-та, 1996. 219 с
11. Abdurahmonov G‘. o‘zbek tilining tarixiy grammatikasi/ Toshkent -2008.



12. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980 йил 447 бет.
13. Шейдаева С. Г. Категория субъективной оценки в русском языке: автореф. дис. ... д-ра филол. наук. Удмуртский гос. ун-т. Нижний Новгород, 1998. С. 10.
14. Резанова З. И. Именная деминутивная деривация в механизмах выражения оценки // Картины русскогo мира: аксиология в языке и тексте / отв. ред. З. И. Резанова. Томск: Изд-во Том. ун-та, 2005. 353 с.
15. Протасова Е. Ю. Овладение категорией свое-чужое в детской речи // Теоретические проблемы функциональной грамматики: Мат-лы Всерос. науч. конф. (СПб., 26-28 сентября 2001) / под ред. Бондарко А. В. 2001, С. 238–245
16. Yaхууауевна, N. S. (2024). Language Teaching Methods. *Miasto Przyszłości*, 45, 897-901.
17. Nasimova, S. (2023). PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF LEARNING FOREIGN LANGUAGE AS THE SECOND LANGUAGE. *International Bulletin of Applied Science and Technology*, 3(11), 203-207.
18. Yaхууауевна, N. S., & Alam, M. A. (2023). INTRODUCTION INTO ANATOMICAL HISTOLOGICAL TERMINOLOGY. *NOUN, GRAMMAR CATEGORIES OF NOUNS. DETERMINATIONS OF GENDER, STEM, VOCABULARY FORMS. Yangi O'zbekistonda Tabiiy va Ijtimoiy-gumanitar fanlar respublika ilmiy amaliy konferensiyasi*, 1(7), 107-111.
19. Yaхууауевна, N. S., & Khalid, T. (2023, November). Topic prescription structure of prescription. In *International conference on multidisciplinary science* (Vol. 1, No. 5, pp. 210-214).
20. Саматова, Г. Н., & Насимова, С. (2016). Прагматический подход к преподаванию на английском языке. *Научный альманах*, (6-1), 605-607.
21. Yaхууауевна, N. S. (2023). FONOLOGIYA VA UNING TURLARI". *XXI ASRDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR, FAN VA TA'LIM TARAQQIYOTIDAGI DOLZARB MUAMMOLAR" nomli respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi*, 1(12), 5-9.
22. Nasimova, S. (2024). ONLINE TEACHING OF ENGLISH FOR MEDICAL PURPOSES. *Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления*, 1(8), 84-87.

